

С. Р. ДЎСТОВ

IV СИНФДА ТАБИАТШУНОСЛИК
ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИНИНГ
ЭКОЛОГИК ТАФАККУРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

С. Р. ДЎСТОВ

IV СИНФДА ТАБИАТШУНОСЛИК
ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИНИНГ
ЭКОЛОГИК ТАФАККУРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ

Услубий қўлланма

ТОШКЕНТ
«ТАФАККУР»
2022

УЎК: 94(575). 5
63. 3(54)
А-28

Услубий қўлланма Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг Илмий-услубий кенгаши томонидан нашр этишига тавсия қилинган. (Баённома № 3, 2022 йил, 15 ноябрь).

С.Р. Дўстов.

IV синфда табиатшунослик фанини ўқитишда ўқувчининг экологик тафаккурини шакллантириш. Услубий қўлланма. С.Р. Дўстов. – Т.: “Tafakkur nashriyoti”, 2022. – 32 б.

Масъул мухаррир:

Ю. Ф. Махмудов, педагогика фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

*Н. Ж. Исакулова, педагогика фанлари доктори, профессор;
Д. Химматиллаев, педагогика фанлари доктори, профессор.*

Мазкур услубий қўлланмада IV синфда табиатшунослик фанини ўқитишда ўқувчи экологик тафаккурини шакллантириш мазмуни мантиқан кетма-кет, изчил ёритилган.

ISBN-978-9943-22-447-6

© «Tafakkur», 2022


КИРИШ

Маълумки, миллий тикланиш мафкурасига асосланиши керак бўлган таълим-тарбия, унинг янги мазмуни ва ташкилий жиҳатларини пухта ўйлаб иш юритиш жоиз. Қонунда таъкидланган истеъдодни рағбатлантириш принципи болалардаги билим ва қобилиятни аниқлаш ҳамда юзага чиқаришга доир дастурлар тайёрлаш ва амалга қўллашни тақозо этади. Кўриниб турибдики, ҳозир ўрта таълим оммавий умумий ва танлаб олиб ўқитилаётган истеъдодли болалар учун алоҳида мактабларда амалга оширилмоқда.

Табиатшуносликни ўқитиш методикаси болаларни ҳар томонлама тарбия-лашнинг мазмуни ва методларини очиб берувчи педагогик фан. У педагогикада ишланган тадқиқот ишларига асосланади ва ўз фанини ўқитиш мазмуни ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг методларидан фойдаланади.

Ўқувчиларга табиатшуносликни ўргатиб бориш билан ўқитувчи уларни таълимни давом эттириш ва амалий фаолият учун зарур бўлган билим, ўқув ва кўникмалар билан қуроллантирибгина қолмай, балки уларнинг дунёқараши, иродаси, тавсифини шакллантиради, ақлий қобилиятларини ривожлантиради. Шунга кўра, табиатшуносликни ўқитишнинг шакли ва методлари ишлаб чиқилади.

Табиатшуносликни ўқитиш методикаси ўқитувчининг тайёрланишидан тортиб, то ўқув материални ўзлаштириш натижаларини, жумладан, синфдаги, уйдаги, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ҳисобга олишгача барча ўқитиш жараёнларини ўз ичига олади. Ўқитиш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва натижаларни креатив равишда умумлаштириш асосида ўқитишнинг муайян қонуниятлари белгиланади ва уни яна ҳам яхшироқ ўқитиш тадбирлар



ишлаб чиқилади. Чунончи, ўрганилаётган нарсаларни бевосита қабул қилиш қонуниятини асосида предметни ўқитишни қўлланиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бошланғич мактаб табиатшунослик курси табиат ҳодиса ва жараёнларининг кенг доирасини қамраб олади, шу муносабат билан баъзан ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда, кузатишлар олиб бориш қийин бўлади. Шу боис табиатшуносликни дастлаб ўрганиш учун объектлар танлашда қуйидагиларни: ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, ўрганилаётган материалнинг тушунарли бўлишини, унинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи таъсири-ни, ўлкашунослик материали бўлишини, олинган билимларни мактаб жонли табиат бурчаги ва микро ўқув-тажриба участкасидаги ишлар бажарилишида фойдаланиш имкониятини ҳисобга олиш зарур.

Барча таълим ва тарбиявий вазифаларнинг бажарилиши методларнинг тўғри танланишига боғлиқ. Табиатдаги мустақил кузатишларсиз кичик ёшдаги ўқувчиларда кузатувчанликни ривожлантириб бўлмайди, тирик организмларни бевосита ўрганмасдан туриб, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётини тушуниб бўлмайди. Ўсимликларни ўстириш ва ҳайвонларни парвариш қилиш бўйича амалий ишлар бажарилмасдан қишлоқ хўжалик меҳнатининг амалий ўқув ҳамда кўникмалари-ни ҳосил қилиб бўлмайди. Қўлланиладиган ҳар қандай методнинг аҳамиятини, ўқувчиларнинг материални ўзлаштирганликларини, уларда зарур тасаввур ва тушунчаларнинг шакллантирилганлигининг тарбиявий натижаларини аниқлашдан туриб билиб бўлмайди. Фақат шу маълумотларга асосланиб, ҳар қандай методни тўғри баҳолаш мумкин.

Ўқитиш методлари ҳақидаги масалани ишлаб чиқиш билан машғулотлар-нинг ўқув жиҳозлари

тўғрисидаги масалалар ҳам узвий боғлиқ, чунки ўқув қуроллари ва бошқа жиҳозлар табиатшунослик тасаввурлари ва тушунчаларни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Табиатшунослик методикаси, шунинг-дек, ўқитишнинг моддий баҳоси – табиатшунослик хонаси, тирик табиат бурчаги, микро ўқув-тажриба участкаси, география майдончаси, ўқитишнинг техника воситаларини ташкил этиш ва фойдаланиш масалаларини ҳам қараб чиқади, буларсиз табиатшуносликни ўқитишни тўғри олиб бориш мумкин бўлмайди.

ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА ИННОВАЦИЯСИ

IV синф “Табиатшунослик” фанини ўқитишда ёш авлодни табиатга тўғри муносабатда бўлишга ўргатади: унга нисбатан муҳаббатни тарбиялайди, табиат нафосатини идрок этиш, уни кўриқлаш, асраш, инъомларидан оқилона фойдаланиш, ана шу бойликларни ўз қўллари билан яратиш ва кўпайтиришга чорлайди. Болаларнинг атрофимиздаги оламни мунтазам ўрганиб боришларига асосланиб, кичик ёшдаги ўқувчиларда табиат тўғрисида, ўз жойи ва барча мамлакатларнинг табиий бойликлари тўғрисида бир бутун тасаввурни шакллантириш керак.

IV синф “Табиатшунослик” фанини ўқитиш методикаси табиат ҳодисаларини ўзаро боғланишда ва такомилланишда ўрганишга имкон беради. Педагогик фан сифатида табиатшунослик методика ва дидактика билан боғланган. Ўқув материални танлаш ва уни IV синфлар бўйича тақсимлашга бўлган талаблар дидактика билан изоҳланади. Улар хусусий методик масалаларни ҳал қилишда, ўқитиш методларини танлашда, шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ҳар хил кўриниш ва шаклларда ташкил қилишда ҳам етакчи.

Методик фақат ҳар бир ўқувчи психологиясини, ёши ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина тўғри танлаш мумкин. Табиатшунослик методикаси, шунингдек, физиология, анатомия, гигиена, ботаника, зоология, география, агротехника, метеорология, мантиқ ва психология билан чамбарчас боғлиқ. Шу фанлар билан бўладиган алоқа ўқитувчининг ўша фанлар асосларини эгаллаган бўлишида, уларнинг энг муҳимларини ажрата олиш, материалларни ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос ҳолда тушунтира олиш ўқувларида намоён бўлади.

IV синфда “Табиатшунослик” методикаси ўрганилган ва ишлаб чиқадиган масалаларга қуйидагилар киради:

Ўқув фани сифатида табиатшуносликнинг таълим ва тарбиявий аҳамияти, унинг тарбия тизимидаги ўрни; ўқув материалнинг мазмуни ва уни тақсимланиш тизими; ўқитиш методлари ва ўқувчиларни ташкил этиш шакллари; ўқув материални, ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёни ва ўқитиш натижаларини ҳисобга олиш; жиҳозлаш ва ўқув қуролларидан фойдаланиш; дарсдан ва синфдан ташқари ишлар, ўқитишнинг моддий базаси.

Педагогика фани сифатида IV синфда “Табиатшунослик” ўқитиш методикаси дидактика билан чамбарчас боғланган. Ўқув материални танлаш ва уни синфлар бўйича тақсимлашга бўлган талаблар дидактика билан изоҳланади, улар хусусий методик масалаларни ҳал қилишда, ўқитиш методларини танлашда, шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ҳар хил кўриниш ва шаклларда ташкил қилишда ҳам етакчи. Методикани фақат ҳар бир ўқувчи психологиясини, ёши ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина тўғри танлаш мумкин.

Ўқувчи шахсининг камол топиши ва ривожланиши, унинг айрим ишларга, муносабатини, тавсифини ўз ичига олган фаолият жараёнида боради. Бунда у ёки бу фаолият турининг – ўқиш, меҳнат, ўйин, мулоқотларнинг далиллари алоҳида аҳамиятга эга. Мулоқот далиллари ҳар қандай дарснинг таркибий қисми бўлиши керак. Уни ўқитувчи ҳисобга олмаса, табиат тўғрисидаги билимлар имкониятини пасайтириб юборади.

Табиат билан тўғри ташкил қилинган мулоқот кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида гўзалликни ҳис этишни бойитади ва чуқурлаштиради, уларда ўз ҳаракати ва ишини ўзи баҳолай олиш қобилияти ривожланади, бу хислатлар хулқ-атворнинг одо-

бий-ахлоқий меъёрларини англаш, атрофдагиларга нисбатан масъулият ҳамда бурчни тарбиялаш учун зарур. Табиат билан мулоқот жараёнида ўртоқларига, катталарга ҳурмат ва меҳр-муносабат вужудга келади.

IV синфда “Табиатшунослик” фанини ўқитишда экологик тафаккурни ривожлантириш олдида куйидаги вазифалар туради:

умумий таълим ва комплекс тарбия тизимида табиатшуносликнинг ўқув фани сифатидаги аҳамияти ва ўрнини аниқлаш; табиатшунослик материалларини танлаш ва бирлаштириш; унинг таълим – тарбиявий вазифаларини аниқлаш.

IV синфда табиатшуносликни ўқитиш табиат ҳаётидаги айрим нарса - ҳодисалар ва ўсимликлар, ҳайвонлар ҳамда одамнинг ташқи хусусиятлари билан таништиришдангина иборат эмас. Табиатшуносликни ўқитиш жонли ва жонсиз табиатнинг ҳар хил объектлари ўртасидаги, жонли табиат билан одамлар меҳнати ўртасидаги ўзаро алоқаларни кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари тушуна оладиган шаклда очиб бериши, жонажон табиатга муҳаббатни, унинг бойлигини кўриқлаш ва эҳтиётлик билан фойдаланиш истакларини тарбиялаши керак.

Табиатшунослик ўқитиш методикаси – табиатшуносликни ўқитишда болаларни ҳар томонлама тарбиялаш мазмуни ва методларини очиб берувчи педагогик фан. У педагогикада ишланган тадқиқотларга асосланади ва ўз фанини ўқитиш мазмуни ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг методларидан фойдаланади. Мақсади – IV синф ўқувчиларини бугунги кун талаблари асосида янги педагогик ва инновацион технологияларни қўллаб, ёш авлодга табиатшунослик фанини ўргатишга тайёрлаш. Вазифаси – ўқув фани сифатида табиатшунослик мазмунини аниқлаш, ўқитиш методларини татбиқ этиш, зарур ўқув жиҳозларини тайёрлашдан иборат. Та-

биатшуносликни ўқитиш методикаси фақат ўқитиш жараёнини таърифлаш ва тушунтириш билан чекланиб қолмай, балки қоидаларни ҳам ишлаб чиқади, уларга асосланиб, ўқитувчи шу предмет бўйича болаларни муваффақиятли равишда ўқитиши мумкин.

Табиатшуносликни ўқитиш методикаси ўқитувчининг тайёрланишидан тортиб, то ўқув материални ўзлаштириш натижаларини, жумладан синфдаги, уйдаги, синф ва мактабдан ташқари ишларни ҳисобга олишгача барча ўқитиш жараёнларини ўз ичига олади. Ўқитиш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва натижаларни кейин креатив равишда умумлаштириш асосида ўқитишнинг муайян қонуниятлари белгиланади ва уни яна ҳам яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади. Чунончи, ўрганилаётган нарсаларни бевосита қабул қилиш қонуниятлари асосида предметли ўқитишни қўлланиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Таълим тизими, ўқувчи шахсини шакллантириши учун, Давлат таълим стандарти талаблари асосида ҳамда жаҳон таълим даражасида кадрлар етиштириш учун, аввало, ўқитувчилар, мураббийлар шахни ҳар томонлама мукамал бўлишини талаб қилади. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчисининг масъулияти катта, у умумий таълим тизимининг асосини, пойдеворини яратувчи шахсдир. Янгиланаётган бошланғич таълимга давлат ва жамият томонидан қўйиладиган талабда таълим соҳалари бўйича ўзаро мувофиқлик ва мутаносиблик тўла таъминланиши лозим. Шу жиҳатдан бошланғич таълим стандартини белгилашда шунини ҳисобга олиш керакки, таълим жараёнининг таркибини, худди шу таркибий қисмларнинг мазмунини ҳам модернизациялаш, янги замонавий педагогик технологияни қўллаш имконини беради.

Анъанавий педагогика таълим жараёнини минг йиллар давомида икки томонлама жараён бўлиб ҳи-

собланар эди. Унда ўқитувчиси ўқув-тарбиявий жараённинг субъекти, ўқувчи ёки ўқувчилар жамоаси шу жараённинг предмети сифатида қаралади. Дидактик ҳодисаларни нуқул ўқитувчи фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб изоҳлаш ғояси узоқ тарихга эга.

Ўқувчилар Ватанимизнинг табиий бойликларидан одамлар ўзларининг меҳнат фаолиятларида қандай фойдаланаётганликлари билан танишишлари лозим. Бунда болаларга одамлар меҳнати табиат атроф билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатиш ғоят муҳим. Шу талабларга кўра кичик ёшдаги ўқувчиларга:

- ўзаро боғлиқлиги очиб берилган жонли ва жонсиз табиат тўғрисида аниқ билимлар бериш;

- одам организми ва унинг саломатлигини сақлаш тўғрисида маълумотлар бериш;

- уларни табиатда кузатишлар ўтказиш уқуви ва кўникмалари билан қуроллантириш;

- табиатдан оқилона фойдаланиш ва унинг бойликларини кўпайтиришга қаратилган инсоннинг меҳнат фаолияти билан таништириш;

- жонажон табиатга муҳаббат, уни муҳофаза қилишга интилишни тарбиялаш керак.

Умумтаълим мактабларини ислоҳ қилишнинг асоси йўналишларига мувофиқ табиатшунослик дастурига киритилган ўзгаришлар, кўрсатилган вазифалар, табиатшунослик курсида ўқувчиларнинг экология, меҳнат ва гигиена тарбиясига эътибор янада кучайтиришни, “Ҳар бир ўқувчининг гигиена ва медицина соҳаларида минимум билимни эгаллаш, ёшлигидан ўз организми тузилишини билиши, уни тартибли сақлай олиши” учун шароитлар яратилиш назарда тутлади.

IV синфда «Табиатшунослик» фанини ўқитиш жараёнида дунёни илмий тушуниш асосларини шакллантириш учун табиатга мурувватли муноса-

батни, ватанпарварликни ва гўзалликни тушунишни тарбиялаш лозим. Таълимнинг тарбияловчилик тавсифи унинг моҳияти билан белгиланади. Шунинг учун ҳам табиатшуносликни ўқитиш ўқитувчига ўқувчилар тафаккурини, уларнинг креатив ва билиш фаоллигини ривожлантириш учун бой материал беради.

Табиатшунослик бўйича барча мавзулар комплекс тарбия масалаларини акс эттиради. Ўқувчиларга билимни баён қилиш методлари ҳам тарбиявий аҳамиятга эга, ўқувчиларнинг барча фаолиятлари билимлар ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ. Табиатшунослик бўйича машғулотларни IV синф ўқувчиларига синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар: очик ҳаводаги ўйинлар, ўлкашунослик экскурсиялари, юришлар билан чамбарчас боғламоқ зарур. Буларнинг барчаси ўқитувчига табиатшунослик бўйича ўқувчилар билан шугуллана бориб, уларни фақат яхши билим олишгагина эмас, балки улар шахсини шаклланишига таъсир кўрсатишга ҳам имкон беради.

IV синф ўқувчиларига «Табиатшунослик» ни ўқитишнинг мақсади ботаника, зоология, анатомия, физиология, гигиена, география фанларининг элементар асосларини бериш. Табиатшунослик дарслари меҳнат тарбияси мактаби ҳам. Аниқ мисолларда ўқувчиларни одам меҳнати – унинг жисмоний маънавий сихатлигининг манбаи эканлигига ишонтириб, ўқитувчи меҳнатга муҳаббатни, астойдил меҳнат қилиш истагини, меҳнат аҳлига ҳурматни тарбиялайди.

Таълимда IV синф ўқувчиларига “Табиатшунослик” фанини ўқитишда экологик тафаккурни ривожлантиришда ёндашув умумтаълим мактабларида синф-дарс тизимидан лойиҳавий фаолиятга томон ўтиш, фундаментал билимларни функционал билимларга кўчириш, уларни амалиётда фаол қўллаш жараёни орқали фанлар интеграцияси, кесишмасида муаммолар ечимининг янгича йўллари излаш,

лозим топилса, кашф этишга йўналтириш каби вазифаларни кўяди. Табиатшунослик фани стандарт кўрсаткичлари боланинг табиат ва ундаги ҳодисалар ҳақидаги тасаввурга эга бўлиш, уларни фарқлай олиш, тавсифлаб бериш, амалда қўллаш олишга ўргатиш билан белгиланади. Ушбу жараён бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун, аввало, дидактик шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Дарснинг самарадорлигини ошириш, бериладиган билимлар савиясини кўтариш, назарий билимларни ҳаёт билан боғлаб олиб бориш, илғор педагогик технологияларни қўллаб дарс ўтиш ўқувчиларда табиатшуносликдан билимларни ўзлаштиришга янада қизиқиш уйғотади, улар билимини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Таълим жараёнида педагогик технологиянинг самарали шакл, метод ва воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, дарс ишланмаларни ҳам педагогик технологиялар ва технологик хариталар асосида тузиш бошланғич синфда таълим самарадорлигини оширишга, тизимлаштиришга пировард натижани белгилашга имкон берувчи омиллардан бири саналади.

Табиий шароитларда кузатишларни олиб бориш, кичик амалий тажрибаларни ўтказиш, бу каби тажрибаларни тизимли равишда амалга ошириш, муаммоли вазиятларни яратиш ҳамда мазкур ўринларда ўқувчиларнинг мустақилликларини таъминлаш, уларни ўз фикрларини эркин баён этишга рағбатлантириш уларда нафақат фаолликни шакллантиради, балки мавжуд билим даражасини оширади, уни мустаҳкамлайди ва барқарорлашувига олиб келади. Натижада, ўзлаштириш, сифат ва самарадорликка эришилади. Мана шундай вазиятни юзага келтириш, уни самарали амалга ошириш орқали биз асосий мақсадимизга эришамиз.

Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташхис қилиш, натижалаш, тузатиш кiritиш имкониятлари мавжуд. Бунда таълимдан кутилган натижага эришилади, вақт тежалани, бу эса педагогик технология самарадорлиги демак. Педагогик технологиянинг тасдиқланувчанлиги ишланган модели бошқа педагоглар қўллаганда ҳам худди ўшандай самара бериши кераклигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янги ёндашиб, креативлик, бунёдкорлик татбиқ этилсагина, таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

- боланинг талаби, мойиллиги, истак-хоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

- ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;

- билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;

- у умр бўйи ўз билимини ўзига-ўзи бойитишга ишонч пайдо бўлади;

- эркин фикрлаш малакаси шаклланади;

- шахс жамиятда ўзининг ўрнини тезроқ топиб олишга муҳит яратади.

Таълим жараёни ўқувчиларнинг билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, креатив изланишларини ривожлантириш мақсадига йўғрилган ўқитувчи билан ҳамкорлиги саналади. Бошқача айтганда, таълим мазмунини ўқитиш методлари, воситалари, шакллари ёрдамида ўзлаштиришга эришиш. Жамиятимизда юз бераётган маънавий-маърифий ўзгаришлар ва узлуксиз таълим тизими олдида қўйилган ижтимоий буюртмалардан келиб чиққан ҳолда, умумий ўрта таълим мактабларида биология таълими мазмуни куйидаги тўртта таркибий қисмга эга:

1. Асосий ғоялар, назариялар, тушунчалар.

2. Фаолият усуллари (кўникма ва малакалар).
3. Креатив фаолият тажрибалари.
4. Борлиққа нисбатан ижобий муносабат тажрибаларидан иборат.

Таълим мазмунининг таркибий қисмлари мазмуни ва ўқувчилар томонидан ўзлаштириш усуллари билан фарқ қилади. Ўқувчиларда креатив фаолият тажрибалари аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаши, мустақил ва ижодий ишлаши орқали таркиб топтирилади. Шу сабабли ўқитувчи табиатшунослик дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ва креатив ишларига кенг ўрин бериши лозим.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, энг аввало, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-салоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат. Табиатни ва унда яшайдиган жонзотларни муҳофаза қилиш ватанни ва ўзликни асрамоқ демак.

Инсон ва табиат ўзаро муносабатлари бугунги кунда олдинги даврларга нисбатан анчагина тартибга солинган бўлса-да, инсониятнинг бошқа табиат компонентларига кўрсатаётган таъсири камайгани йўқ. Шунинг учун табиатшунослик фани олдидаги энг долзарб масала инсонларнинг табиатга кўрсатаётган таъсири натижаси қандай оқибатларга олиб келаётганлигини олдиндан тўла тасаввур қилиш. Бунинг учун табиатшунослик дарс шакллариини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этиш лозим. Ўқувчиларни табиат билан таништиришда методлардан фойдаланиш жуда катта самара беради.

Табиат билан таништириш асосан экологик тарбия билан биргаликда олиб борилади. Инсонни ўраб турган табиий муҳит ва унинг бойликларини биландиган, ундан тежамкорлик билан фойдаланадиган,

сақлайдиган, табиат бойлигига, гўзаллигига гўзаллик кўшадиган, ижтимоий ва табиий қонунларни билладиган билимдон шахсни етиштириш – бу экологик тарбиянинг мақсади ҳисобланади. Болаларни табиат билан таништиришда экологик тарбия билан бир қаторда оғзаки методлардан фойдаланиш ҳам муҳим рол ўйнайди. Бунда тарбиячининг ҳикоясидан, табиат ҳақидаги бадий китобларни ўқишдан, табиатга доир суҳбатдан фойдаланилади.

Маълумки, IV синфда “Табиатшунослик” фанлари ўқитилади. “Табиатшунослик” фани “Атрофимиздаги олам” фанининг давоми бўлиб, ўзининг мазмуни ва методлари билан ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш имкониятларига эга. “Табиатшунослик” фани ёш авлодни табиатга тўғри муносабатда бўлишга ўргатади: унга нисбатан муҳаббатни тарбиялайди, табиат чиройини идрок этиш уни кўриқлаш, асраш, инъомларидан оқилона фойдаланиш, ана шу бойликларни ўз қўллари билан яратиш ва кўпайтиришга чорлайди.

Ўқувчиларнинг атрофимиздаги оламни мунтазам ўрганиб боришларига асосланиб, кичик ёшдаги ўқувчиларда табиат тўғрисида, ўз жойи ва барча мамлакатларнинг табиий бойликлари тўғрисида бир бутун тасаввурни шакллантириш керак. Ўқувчилар Ватанимизнинг табиий бойликларидан одамлар ўзларининг меҳнат фаолиятларида қандай фойдаланаётганликлари билан танишишлари лозим. Бунда болаларга одамлар меҳнати табиат атрофи билан ҳам-барчас боғлиқ эканлигини кўрсатиш ғоят муҳим.

Ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялашнинг асоси уларда илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бу вазифани бошланғич синфларда амалга оширишда табиатшунослик фани муҳим роль ўйнайди. Бу предметни ўрганиш кичик ёшдаги ўқувчиларнинг шахсий тажрибасини бойитади, атрофимиздаги жонли ва жонсиз табиатда юз бераётган ҳодиса

ва жараёнлар тўғрисида билимлар тўплашга имкон беради. Шунинг учун ҳам педагогика ОТМларининг талабалари, айниқса, бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари, педагогик ўқув предмети сифатида табиатшуносликни ўқитиш фанининг илмий-назарий ва амалий ютуқлари билан яхши таниш бўлишлари керак.

Табиатшуносликнинг ўқитиш методикасини яхши билиш бошлангич мактаб ўқитувчисига болаларни ўқитишни тўғри ташкил қилиш, табиатшунослик дарсларига қўйиладиган асосий талаблар асосида дарс ташкил қилиш имконини беради. Табиат ҳақидаги ўқувчилар китоби тарбиячилар учун катта қийматга эга. У кузатилаётган жойдан четга олиб чиқади ва шу орқали болаларнинг тасавурларини кенгайтиради, ўқувчини бевосита идрок этолмайдиган ҳодисалар билан таништиради.

IV синф ўқувчиларига “Табиатшунослик” китоби болаларда жонсиз табиат ҳодисаларини очиб беради, табиатда мавжуд бўлган алоқа ва муносабатларни аниқлашга ёрдам беради. Ўқитувчи ҳар бир дарсда, синфдан ташқари машгулотлар ва экскурсияларда шу билан биргаликда тарбиявий соат машгулотларида экологик маданиятни шакллантириш бўйича мунтазам ишлар олиб бориши керак.

IV синфларда “Табиатшунослик” фанини ўқитишда экологик тафаккурни ривожлантириш дарсида машгулот давомида тарбия бериш билан бир қаторда, ўқувчиларга экологик тушунчалар организм ва муҳитнинг боғлиқлиги, экологик тизимнинг ўзгариши, биосфера, экологик омил, у ҳақидаги тушунчаларни ўқувчилар томонидан мустақкам ўзлаштиришлари, кўникма ва малакаларни эгаллаши муҳим. экологик тафаккурни таркиб топтиришда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ўқувчилар табиатнинг моҳиятини, жамият билан алоқадорлиги ҳақидаги илмий билимларини би-

лишлари, экологик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари;


- табиат, унинг таркибий қисмларини англаш, тикланадиган ва тикланмайдиган бойликларини тушуниб етиши;

- табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, унинг тозалигини асраш, табиий бойликларни кўпайтириш тадбирларида фаол иштирок этишини шакллантириш.

экологик тафаккур - шахснинг маънавий ҳаёти, кундалик ҳаётида хатти- ҳаракат шаклида намоён бўладиган, ҳаётнинг ва табиатнинг бебаҳо аҳамиятини англаш, уларни асраб авайлаш, муҳофаза қилиш сифатини ўз ичига олади. Экологик тафаккур оиладан бошланади. Мактаб ёшидаги болаларга биринчи синфларда “Атрофимиздаги олам мактабгача таълим муассасаларида, бошлангич таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, олий таълимдан кейинги таълимда ҳам экологик маданият шакллантирилади.

экологик тафаккурни шакллантиришда мактаб алоҳида ўринга эга. Мактабларда ҳар бир синф кесимида олиб борилаётган биология дарсларида, шу билан биргаликда синфдан ташқари машгулотлар, амалий машгулотлар, экскурсия ҳамда тарбиявий соат дарсларида экологик онгни шакллантиришда асосий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда бутун оламни ташвишга соладиган коронавирус унинг салбий оқибатлари ҳақида кўп фикрларни билдириш мумкин. Бу вирус инсон саломатлиги учун энг хавфли бўлган касалликлардан бири. Бу вирусга чалинмаслик учун биринчи навбатда гигиена қоидаларга риоя қилиш ва карантин қоидаларни бузмаслик муҳим аҳамиятга эга. Саломатлигимиз учун табиат ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш учун инсоният олами масъул. Бунинг учун Яшил оламнинг инсон саломатлигини



сақлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини, шу боис ҳар бир ўқувчи ўз мактаби, ҳовлиси, кўча ва хиёбонларини кўкаламзорлаштириш ишида фаол қатнашиши, кўчат ўтказиб, уларни парвариш қилиш орқали атроф-муҳитнинг мусаффо бўлишига ҳисса қўшиши кераклиги ёшларга доимий равишда тушунтирилади.

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз креатив ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама етук шахслар қилиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ўсиб келаётган авлоднинг экологик маданиятини, билим ва масъулиятини мунтазам ошириб бориш ва уларнинг атроф-муҳит ҳамда инсон саломатлиги муҳофазаси масалаларида иштирокини фаоллаштириш, шунингдек, Ватанга ва она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида камол топтиришини таъминлаш мақсадида улар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Ёшларни экологик тафаккурини шакллантиришда малакали устозларнинг хизматлари жуда катта. Уларнинг берган билимлари асосида ёшларимизни атрофимиздаги оламга онгли муносабатлари ва саводхонликлари шаклланиб бормоқда. Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз креатив ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама етук шахслар қилиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ўсиб келаётган авлоднинг экологик маданиятини, билим ва масъулиятини мунтазам ошириб бориш ва уларнинг атроф-муҳит ҳамда инсон саломатлиги муҳофазаси масалаларида ишти-

рокини, ёшларни экологик маданиятини шакллантиришда малакали устозларнинг хизматлари жуда катта. Уларнинг берган билимлари асосида ёшларимизни атрофимиздаги оламга онгли муносабатлари ва саводхонликлари шаклланиб бормоқда. Ҳозирги даврда экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган, жаҳон бўйлаб қанчадан-қанча талафотларни содир бўлиши, завод ва фабрикалардан чиқаётган чикинди ва ифлос сувлардан инсонларнинг заҳарланиши, ер ости бойликларидан нотўғри фойдаланишимиз оқибатида ва экологик маданиятни билмаслигимиздан юзага келмоқда.

Бошланғич синфларда инновацион технологиялардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш таълимда юқори сифат ва самарадорликка олиб келади. Бошланғич таълим тизимидаги инновацион технологияларнинг йўналишлари, бошланғич синф ўқувчиларининг таълим мазмунини ўзлаштиришларига инновацион ёндашиш, бошланғич таълим жараёнида интерфаол таълим методларини танлаш ва амалда қўллаш орқали ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш долзарб педагогик муаммо ҳисобланади.

Бошланғич синфлар таълим тизимининг пойдевори. Бошланғич синф ўқувчилари таълим олишда бурч эканлигини англаб етадилар. Дарс вақтида ўқувчи фаолиятига қўйилган юқори баҳо ўқувчиларда руҳий тетиклик, шодлик, ифтихор каби ҳиссий кечинмаларни тугдиради. Шундай экан бошланғич таълим ўқитувчиси ҳар томонлама етук, ўткир дипломат, ўз касбини устаси, интеллектуал салоҳиятга эга шахс бўлиши шарт.

Атроф-муҳитни асраш ва табиатга муҳаббат уйғотиш табиат фанинг илмий назарий асосларини ўқувчилар онгига сингдириш, уларни табиатга гамхўрлик руҳида тарбиялаш долзарб педагогик муаммолардан биридир. Ўқитувчи экологик таълим-тарбия-

га оид олиб бораётган ҳар бир машғулоти маълум бир мавзуга бағишлаб ўтказиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг экологик онгини ўстириш, ўзлигини англаш, табиий бойликлар, ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар оламини асраб-авайлаш, эъзозлаш руҳида тарбиялаш бошланғич синф ўқитувчисига алоҳида масъулият юклайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга табиатга оид билимни беришда ноанъанавий усуллардан фойдаланиши зарур. Бундай ноанъанавий усуллар атроф-муҳитда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни яхшироқ мушоҳада қилишга ундайди. Айниқса, амалиёт билан узвий боғланган мавзулар асосида ташкил қилинган табиат қўйнига саёҳат дарслари ўқувчиларнинг экологик фикрлаш қобилиятларини ривожлантириб, уларнинг ўрганаётган муаммоли масалаларнинг моҳиятини кенгроқ тасаввур қилишларига ёрдам беради. Дала ва боғларда, ўтлоқларда зубтурум, қоқиўт, шувок, ажрик, сачратқи, айиқтовон, сувзамчи, ариқ бўйларида ялпиз каби ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг айримлари доривор ўсимликлар ҳисобланади. Масалан, зубтурумнинг барглари одамнинг яра, куйган ёки ари чакқан жойига қўйиб даволанади.

Баргларидан шамоллаш, ошқозон ва ичак касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Замонавий педагогик технологияларга асосланган бундай дарс ўқувчиларнинг инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларини англашларига, атроф-муҳитга салбий ва ижобий таъсирлар натижасини тушуниб етишларига асосий куч бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Ўқувчиларга биринчи синфдан бошлаб уларни ўраб турган табиат ҳақида, ўсимликлар дунёси ҳақида тушунча бериш, бошланғич синф ўқитувчилар олдидаги долзарб масала. Бошланғич синф ўқувчиларининг олдида қўйилган вазифаларидан бири бошланғич синф ўқувчиларини илк мактабга қадам қўйганидан оқ уларга она табиатга ва ундаги

ўсимликлар дунёсига меҳр-муҳаббатни шакллантиришдан иборат. Табиатшунослик дастури биологик, географик табиатда бўладиган физик, кимёвий жараёнлар тўғрисида элементлар тушунчаларнинг ўзлаштиришини назарда тутди.

Ҳар бир табиатшунослик дарсида энг муҳим махсус тушунчаларни ажратиш ғоят муҳим. Улар табиатшунослик тушунчаларини изчиллик билан кенгайтириб боришни қулайлаштиради, илмий дунёқарашнинг шаклланишини таъминланади. “Ўсимликлар” тушунчасига барча ўсимликлар учун умумий бўлган бир гуруҳга бирлаштирилган ҳар хил нарсалар киради. Уларнинг ҳаммаси ўсади, ривожланади, нафас олади, кўпаяди, яъни тирик организмлар ҳисобланади.

Қабул қилиш ва тасаввурлар айрим нарсаларнинг кифасидир, тушунчалар эса аниқ нарсалар сифатида тааллуқли умумлашган мазмунини акс эттиради. Масалан: “барг” тушунчаси дарахт, бута, ўт ўсимликлар ўсадиган ҳамма баргларга тааллуқли. Табиатшунослик тушунчасининг ҳосил бўлиши муайян методик шароитларда амалга ошади. Табиатшунослик тушунчалари бевосита қабул қилиш кузатишга асосланиб ўрганилаётган нарса ёки ҳодиса тўғрисида аниқ ва равшан тасаввур ҳосил қилиш шароитида тўғри бўлиши муҳим.

Ўқувчиларга табиатни ўргатиб бориш билан ўқитувчи уларни таълимни давом эттириш ва амалий фаолият учун зарур бўлган билимни ўқув ва кўникмалар билан қуроллантирибгина қолмай, дунёқарашни, иродаси, тавсифини ҳам шакллантиради, ақлий қобилиятларини ривожлантиради. Шунга кўра табиатшуносликни ўқитишнинг шакл ва методларини ишлаб чиқади.

IV синф ўқувчиларига “Табиатшунослик” фанини ўқитишда экологик тафаккурни ривожлантириш курси табиатшунослик фанининг турли соҳалари-

нинг қисқартирилган баёни эмас, балки унинг методик танланган, мунтазамлаштирилган унсурлари. Материалнинг бундай берилиши шу билан изоҳланадики, бунда кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари табиат тўғрисидаги фан асосларини фақат атроф – оламнинг жисм ва ҳодисаларини аке эттирувчи ҳамда улар ўртасидаги боғланишларни очиб берувчи дастлаб оддий табиий объектлар, кейин эса мураккаброғи билан изчил таништириб бориш жараёнида эгаллаб олишлари мумкин. Бу билан табиатшуносликни ўқитишда мунтазамлик принципи амалга оширилади.

Ўқитишнинг мунтазамлиги, яъни тизимлиги билимни баён қилишда муайян тизимга амал қилишдан ташқари амалиёт билан боғланишнинг хилма-хил шакллари амалга оширилишини назарда тутати. Жумладан: 1) назарий табиатшунослик билимларини кузатиш ва билиб олишга қаратилган қизиқарли ўйинларни; 2) атрофдаги ҳаёт ва қурилиш амалиётини; 3) меҳнат таълими ва ижтимоий фойдали меҳнатни; 4) мактаб олди майдонидаги иш ва унумли меҳнат билан боғланишни назарда тутати.

IV синф ўқувчиларига “Табиатшунослик”ни ўқитишда экологик тафаккурни ривожлантириш методикаси ўқитувчининг тайёрланишидан тортиб, то ўқув материални ўзлаштириш натижаларини, жумладан, синфдаги, уйдаги, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ҳисобга олишгача бўлган барча ўқитиш жараёнларини ўз ичига олади. Ўқитиш амалиётини ҳар томонлама ўргатиш ва натижаларни кейин ижодий умумлаштириш асосида ўқитишнинг муайян қонуниятлари белгиланади ҳамда уни янада яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади.

Чунончи, ўрганилаётган нарсаларни бевосита қабул қилиш қонунияти асосида предметли ўқитишни қўллаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади. Ўқитувчи табиат муҳофазаси ва табиий бойликлар-

дан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш тўғрисида қандай ғамхўрлик қилаётганлигини гапириб бериши, ўқувчиларни Ўзбекистон Конституциясида аке эттирилган табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар билан Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг Устави билан таништириб бориши керак. Бу кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг маънавий тарбияси тизимида катта аҳамиятга эга.

Табиат муҳофазаси тўғрисида ғамхўрлик болаларда комплекс тарбиянинг муҳим қисми сифатида, ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда, инсон ва табиат ўртасида оқилона ўзаро муносабат ўрнатишда гоят катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда одамлар эҳтиёжларини ҳаётга зарар етказмайдиган, меъёрл шароитларда қондириш масалалари ўта долзарб бўлиб турибди. Буларга нафақат озиқ-овқат, сув, ҳаво, уй-жой таъминотига бўлган эҳтиёжлар, балки маънавий-ахлоқий иқлим мўтадиллигини сақлаш ҳам киради.

Табиий экологияга лоқайд муносабат тана экологиясининг бузилишига олиб келади. Психик, маънавий экология талаблари ва қонунларини инкор этиш ахлоқий, маданий, пировардда, интеллектуал таназзулни келтириб чиқариши мумкин. Айни замонда одамлар онги экологизацияси, экологик маданиятни шакллантириш ва ҳар томонлама камол топган шахсни вояга етказиш муаммолари марказий муаммолардан бири бўлиб турибди.

IV синф ўқувчиларига “Табиатшунослик” фанини ўқитишда экологик тафаккурни ўрганар эканмиз, онг олам тўғрисидаги тасаввурлар йиғиндиси эканини эътибордан чиқармаслигимиз лозим. Демак, дастлаб тасаввурларнинг психологик моҳиятини ёритиб бериш даркор. Теварак-атроф, бизни қуршаб турган ҳам моддий, ҳам маънавий олам хусусидаги маълумотларни сезги ва идрок ёрдамида оламиз. Кўзгатувчилар таъсирининг йўқолиши сезги аъзоларимиз-

да вужудга келган кўзгалиш изсиз йўқолди дегани эмас. Таассуротдан кейин ўзига хос изчил образлар пайдо бўлиб, улар маълум вақт мобайнида сақланиб қолади. Ундан муҳимроғи шуки, бирон-бир предмет, воқеа ва ҳодисани идрок этгандан анча вақт ўтгандан кейин ҳам мазкур предмет, воқеа ва ҳодисанинг образини хоҳ ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз равишда қайта тиклаш мумкин бўлиб, ушбу ҳодиса “тасаввур” деб аталади.

“Табиатшунослик” фанини ўрганиш жараёнида ўқувчиларга берилаётган ҳаётий билим, кўникма ва малакалар ҳамда компетенцияларни шакллантиришда ўқув дастури бўлинмаларига мувофиқ янги билимлар билан қуроллантирибгина қолмай, балки I-II синфлар “Атрофимиздаги олам”, III-IV синфлар “Табиатшунослик” фанларидан олган табиат ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш курсининг асосий вазифаларидан саналади.

Табиат ва жамият ҳаётини кўпёклама билиш қатор воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг ўзаро алоқаларини тушунишга имкон беради. Экологик таълим мақсадларидан келиб чиқиб, «Табиатшунослик» инсоннинг табиатга таъсири билан таништиришни ўз олдига асосий вазифа қилиб кўяди.

Демак, табиатшунослик фани табиий-илмий ўқув фанлар сирасига киради. Шу боис табиатшунослик дарсларида илмий дунёқарашни шакллантириш болаларнинг табиатдаги воқеликни доимий кузатиб бориши орқали эришилади. Табиатдаги воқеликни доимий кузатиб боришни вақт ва макон жиҳатдан ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлмайди. Табиатшунослик дарсларида ахборот технологияларини ва педагогик технологияларни интегратив тарзда қўлланилиши дарсларни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан умумий ўрта таълим мактабларининг компетенциявий ёндашув асосида тасдиқланган Давлат таълим стандартлари бўйича қайта нашр этилган IV синф ўқувчиларига “Табиатшунослик” дарсликлари ни ўқитишда экологик тафаккурни ривожлантириш бўйича мультимедиа иловали методик қўлланмалар ишлаб чиқилган бўлиб, ишлаб чиқилган мультимедиа иловалари ўқитувчиларнинг дарсларга пухта тайёргарлик кўришлари, дарсларни замон талаблари асосида ташкил этишлари, дарс жараёнида ўқувчиларга қизиқарли ва ҳаётий маълумотларни беришлари, уларнинг фаоллигини ошириш ҳамда билимларини мустақамлаш учун қулай имкониятлар яратади.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билим олиши, кўникма ва малакаларининг шаклланиши, уларнинг дунёқарашини кенгайтирилиши, креатив изланишларининг ривожланиши, ўқитувчи билан ҳамкорликда ўқитиш методлари, воситалари, шакллари ёрдамида шаклланади. IV синф ўқувчиларига «Табиатшунослик» дарсларида ўқитувчи ўқувчиларда муайян бир тушунчаларни ривожлантириш учун ўқув материални кўргазмали воситалардан самарали фойдаланиб тушунтириши, ўқитувчининг етказган ахбороти ва унинг асосида шу мавзу устида мустақил изланиши, ишлаши натижасида ўқувчилар сезги аъзолари асосида қабул қиладилар.

Қабул қилинган ахборотни тасаввур қилиш, идрок этиш, ёдда сақлаш ва амалда қўллашни ўрганиш ташкил этилади. IV синф ўқувчиларига “Табиатшунослик” дарсларида экологик тафаккурни ривожлантиришда таркиб топтириш зарур бўлган амалий ва меҳнат кўникмалари, уларнинг таркиб топтиришга қаратилган ўзига хос табиатда кузатиш, тажрибалар қўйиш, табиатда мўлжал олиш кўникмаларини шакллантириш усуллари мавжуд бўлиб бу усулларни амалга ошириш амалий машғулотлар орқали шакл-

лантирилади. Бунда ўқувчилар ўзлари иштирок этган жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Ўқувчилар иштироки чекланган номаълум жараёнлар эса махсус видео иловаларда намоён этилади. Ўқувчиларнинг креатив фаолият тажрибаларини ўқитувчининг тайёр ахбороти орқали шакллантириб бўлмайди. Ўқувчиларда креатив фаолият тажрибалари аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва маъналарни янги кутилмаган вазиятларда қўллаши, мустақил ва креатив ишлаши орқали таркиб топтирилади. Шу сабабли ўқитувчи “Табиатшунослик” дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ва креатив ишларига кенг ўрин бериши лозим.

Мустақил таълим олишга йўналтирадиган мультимедиа иловаларда IV синф ўқувчиларнинг креатив фаолиятини таркиб топтиришда теварак атроф-муҳитни ўрганиш, моддий ва маънавий бойликларни аниқлаш, атроф-муҳитга зиён келтирувчи дастлабки экологик белгиларини мустақил аниқлаш, атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни таққослаш, ўхшашлик ва фарқлари, умумий белгиларни аниқлаш, теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларнинг инсонларга ва инсонларнинг атроф-муҳитга таъсирини ажратиш, таҳлил қилиш, ўсимликлар оламини ва ҳайвонот дунёсини яхлит организмлар сифатида тасаввур қилиш, жараёнларнинг сабаб – оқибатларнинг боғланишлари, кузатиш ва тажриба натижаларини яқунлаб хулоса чиқариш, олинган натижаларни умумлаштириб хулоса чиқариш, дарслик, хариталар, атлас, ёзувсиз харита устида мустақил ишлашга қаратилиши муҳим.

ХУЛОСАЛАР

1. Табиатшунослик дарсларида ўқувчилар дастурга мувофиқ, ўқитувчи раҳбарлигида назарий билимлар, амалий ўқув ва кўникмалар оладилар. Ўқитувчи материални ўқувчиларга тушунарли баён қилиб, хилма-хил ўқув, кўргазмали қуроллардан фойдаланиб, зарур тушунтиришлар беради, ўқувчиларга дарслик билан мустақил ишлаш, оз билимларидан амалда фойдаланиш ўқувларини сингдиради.

2. Табиатшунослик ўқитишнинг асосий шакли - дарсларга қoшимча ҳолда мактаб амалиётида ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб бoриладиган ўқув ишларининг бошқа шакллари тарихан вужудга келгани Методик жиҳатдан тўғри ташкил этилган ўқитиш жараёнида шу ўқитишнинг барча шакллари асосий шакл - дарс билан ўзаро боғлиқ. Улар табиат ҳақидаги тушунчаларни, дунёқарашни, тафаккурни, амалий кўникмаларни ривожлантиради.

3. Табиатшунослик дарслари ўқувчиларнинг ақлий жиҳатдан ривожланиши учун, жумладан, тафаккурнинг ривожланиши учун бой материал беради. Тил ва тафаккур ажралмасдир, тилсиз инсон тафаккурининг, тафаккурсиз тилнинг бўлиши мумкин эмас. Ўқувчилар табиат жисмларининг номларини атаб, улар тўғрисида оз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилиб, шу нарсаларни идрок қиладилар ва уларга оз муносабатларини кўрсатадилар.

4. Табиатшуносликни ўқитишда илмийлик принципи ҳозирги замон фанида қатъий қарор топган принципларни ўқувчиларга ўзлаштириш учун тақлиф этилишини назарда тутади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Белская Й.М., Григорянс А.Г. Фанни ўқитиш. -Тошкент, 2000.
2. Нуриддинова М.Л. Фанни ўқитиш методикаси: метод ва шакллар. – Самарқанд, 2003.
3. Нуриддинова М.Л. Фанни ўқитиш методикаси: тарих ва назарий асослар. – Самарқанд, 2003.
4. Турсунов Қ.М., Нуриддинова М.Л. Бошланғич синфларда экологик таълим асослари. – Самарқанд, 2003.
5. Хўжаназаров О.Е., Ёкубжонова Ш.Т. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. -Тошкент, 2018.
6. Авезов Ш. Қишлоқ мактабларида ўлкашунослик фаолияти жараёнида юқори синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш. Пед.фан.ном. дисс. -Тошкент, 2005.
7. Нигматов А. “Экология ҳуқуқи” (академик ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма). -Т., 2003.
8. Тўтаев А. Экология. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 2000.
9. Аллаёров Р.Х., Абдухолиқов Қ.А., Эргшбоева М.Т., Усмонхўжаева М.А., “География ва география таълимидаги муаммолар” конференцияси. -Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2018.
10. Ҳамидов Ҳ., Ҳожиматов А. ва бошқалар. “Экологик маданият ва маънавият”. -Тошкент: Зухра барака бизнес, 2018.
11. Мелникова Э.В. Лойиҳа-тадқиқот фаолияти орқали ўқувчиларнинг экологик компетенцияларини шакллантириш // Ёш олим, 2015.
12. Авезов Ш., Сайдаматов Ф. ва Аллаберганов Х. “Педагогика” журнали. – 2019. -4-сон. -Б. 17-18.
13. Жилбоев Ж.О. Бўлажак мутахассисларнинг экологик компетенциясининг долзарблиги тўғрисида // Фундаментал тадқиқотлар, 2014.
14. Жилбоев Ж.О. Бўлажак мутахассисларнинг экологик компетенциясининг долзарблиги тўғрисида / Асосий тадқиқотлар, 2014.

15. Ҳайдаров Қ.Х., Нишоновна С.А. Табиатшунослик асослари ва болаларни табиат билан таништириш. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992.
16. Нуриддинова М. Фанни ўқитиш методикаси. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 2000.
17. Анапиев Ф. Компетенция ёндашувига асосланган Давлат таълим стандартлари, 2017.
18. Мелникова Э.В. Лойиҳа-тадқиқот фаолияти орқали ўқувчиларнинг экологик компетенцияларини шакллантириш // Ёш олим, 2015.
19. Аллаёров Р.Х., Абдухолиқов Қ.А., Эргашбоева М.Т., Усмонхўжаева М.А., “География ва география таълимидаги муаммолар” конференцияси. -Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2018.
20. Нуриддинова М.И. Табиий фанларни ўқитиш методикаси. -Тошкент: “Чўлпон”, 2005.
21. Бахрамов А., “Табиатшунослик”. Дарслик IV синф. -Тошкент: “Шарк”, 2014.
22. Григорянс А.Г. Табиатшунослик фанидан дарс бериш. -Тошкент., 2001.
23. Пакулова В.М., Кузнецова В.И. “Фанни ўқитиш методикаси”. – Тошкент: “Маърифат”, 2005.
24. Нуриддинова И. “Табиатшунослик ўқитиш методикаси”. - Тошкент, 2005.
25. Петросова Р.А., Голов В.П., Сивоглазов В.И. Бошланғич синфларда табиатшунослик ва экологик таълим фанларини ўқитиш методикаси. - М., 2000.
26. Қодиров М.К., Нормуродов З.Н., Ҳайдаров Х.Қ., Мардонов Э.М. Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳит ҳақидаги тасавурларни шакллантириш. - Самарқанд: “СамДУ”, 2019.
27. Бахрамов А, Шарипов Ш, Набиева М. Табиатшунослик. -Тошкент, 2019.
28. Тиллабоева М. ва бошқалар. “Табиатшунослик” ўқитувчилар учун илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича услубий қўлланма. -Тошкент, 2016.
29. Нуриддинова М.И. Табиий фанларни ўқитиш методикаси. -Тошкент: “Чўлпон”, 2005.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Табиатшунослик фанини ўқитишда таълим инте- грацияси ва инновацияси	5
Хулосалар.....	18
Фойдаланилган адабиётлар	19

Лиц. АИ № 111. Босишга 15.11.2022 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Ҳажми 2,0 б. т.
Адади 350 нусха. Шартнома № 03/05. Буюртма № 08.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонаси.
Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 28 уй.

С.Р. ДЎСТОВ

IV СИНФДА ТАБИАТШУНОСЛИК
ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИНИНГ
ЭКОЛОГИК ТАФАККУРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ

Услубий қўлланма

Мухаррир *Б. Худойбергенов*
Бадий мухаррир *А. Худойбердиев*
Техник мухаррир *Б. Ирисбоев*
Мусаххих *З. Ирисбоева*
Саҳифаловчи *О. Абдурахманова*

ISBN-978-9943-22-365-3



9 789943 223651